



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 18 июнь, № 123 (7353) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭНЕРГЕТИКА ВА КИМЁ СОҲАЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари ижросини янада жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Ушбу соҳалар саноат ва тадбиркорлик ривожини, аҳоли турмуш даражасига асос бўлиши билан жуда муҳимдир. Шу боис мазкур тармоқларда кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилда 2 миллиард 730 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобига нефть-газ соҳасида 16 та, 850 миллион доллар эвазига кимё тармоғида 17 та, 1 миллиард доллардан зиёд маблағ воситасида электр энергетикаси бўйича 28 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Йиғилишда ушбу лойиҳалар муҳокама қилиниб, уларнинг ижроси бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

Давлатимиз раҳбари энергия ресурслари ишлаб чиқарувчи, тақсим-

ловчи ва етказиб берувчи корхоналари молиявий қўллаб-қувватлаш, углеводородлар қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тўрақўрғон, Навоий, Тахياتош иссиқлик электр станцияларида олиб борилаётган қурилиш ва модернизация ишларини тезроқ якунлаб, бу йил фойдаланишга топшириш, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида замонавий буғ-газ қурилмаларини ўрнатиш бўйича ишларни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берилди. Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини янада кенг жорий этиш кераклиги қайд этилди.

“Навоийазот” акциядорлик жамиятида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол, Жиззах пластмасса за-

водида тўқимачилик соҳаси учун кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқариш лойиҳаларини фойдаланишга топшириш, Янгиер шахрида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш лойиҳаси ижросини жадаллаштириш бўйича вазифалар қўйилди.

— Иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширувчи ушбу тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш керак. Бу бошқа турдош ва ёндош соҳалар ривожини ҳам таъминлаб, кўплаб иш жойлари яратди, — деди Президент.

Йиғилишда нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларида йил якунида қутилаётган натижалар ҳамда келгуси йилга мўлжалланган режалар қўриб чиқилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали сўзлашди.

Президентлар жорий йил 14-15 июнь кунлари Бишкек ва Душанбе шаҳарларида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммити якунлари юзасидан фикр алмашдилар.

Сўхбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида устувор лойиҳа ва дастурларни, жумладан, жорий йил 30 май куни Урганч шахрида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида эришилган келишувларни амалга ошириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка доир долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 миллион гектардан ортиқ, шу жумладан, 3,2 миллион гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодийёт тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилмоқда.

Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг қўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Натижада 2008 — 2017 йиллар мобайнида 1,7 миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 2,5 миллион гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ МАРКАЗЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамид мамлакатимиз маданий-тарихий марказлари билан танишиш мақсадида 16 июнь куни Ўзбекистонга келди.

“Бухоро” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Абдуҳакимов, Бухоро вилояти ҳокими Ҳ. Барноев кутиб олди.

Муҳаммад Абдул Ҳамид Бухородаги Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуаси, Лаби Ҳовуз ансамблида бўлиб, қадим кентнинг ривожланиш тарихи билан яқиндан танишди, Баҳоуддин Нақшбанд тарихий мажмуасини зиёрат қилди.

— Мазкур обидалар халқингизнинг бой ўтмишидан далолат. Қадим тамаддун ўчоғи, дунё илм-фани ривожига ҳисса қўшган улғу алломалар қилмиши бугун ҳам маданият ва маърифат маскани бўлиб долзарб, — деди Муҳаммад Абдул Ҳамид.

Бангладеш Президенти 17 июнь куни пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом мажмуасида бўлди. Меҳмонга Қафол Шойиш мақбараси, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тилла Шайх, Намозгоҳ масжидлари тарихи, ҳудудда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, хусусан, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Ислам цивилизацияси маркази ҳақида маълумот берилди.

Олий мартабали меҳмон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ислом динини ўрганиш, унинг асл инсонпарварлик ғояларини кенг ёйиш борасида олиб борилаётган ишларга юксак баҳо берди.

Муҳаммад Абдул Ҳамид Темирийлар тарихи Давлат музейида соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатлар билан ҳам танишди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Бангладеш Президенти Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги “UZTEX GROUP” масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

2009 йилда ишга туширилган мазкур корхонада пахтадан матолар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Йилига 7 минг тонна калава ип тайёрланади. Корхона маҳсулотлари жуда харидорғир бўлиб, асосий қисми Россия, Украина, Беларусь, Қозғоғистон каби давлатларга экспорт қилинади. Келгусида Бангладешга ҳам етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Олий мартабали меҳмон бу ердаги замонавий технологиялар асосида пахта толасидан калава ип ишлаб чиқариш, қadoқлаш ва экспортга йўналтиришга бўлган жараён билан танишди.

— Иқтисодиётнинг барча жаҳасида, хусусан, тўқимачилик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришдан манфаатдоримиз, — деди Бангладеш Президенти.

Муҳаммад Абдул Ҳамиднинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо давлатлар парламентлари билан тажриба алмашиш имконияти кенгайди

Депутат фикри

Ана шундай минтақавий ҳамда глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар ечими юзасидан илғор ташаббусларни илгари суриш ва уларнинг амалдаги рўёбини таъминлашда

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот майдони вазифасини ўтамоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлармиз.



Шифохоналардаги муаммолар қачон барҳам топади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларида шифо ўринлари: муаммо ва ечим” мавзусида тадбир ташкил этилди. Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмиталари томонидан ўтказилган ушбу йиғилишда, асосан, соҳадаги муаммо ҳамда камчиликлар, уларни бартараф қилиш масалалари муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Депутатлар томонидан ўтказилаётган ўрганиш ва таҳлиллардан маълум бўляптики, туман ҳамда шаҳар тиббиёт бўлиmlари шифо ўринлари (койка) сони худуднинг географик жойлашуви, унинг вилоят марказидан узоқлиги, аҳоли сони, касалланиш ҳолати ва бошқа тегишли омиллар ҳисобга олинмасдан, номутаносиб ҳолда фаолият юритиб келмоқда.

482 нафар бемор, 240 та койкаси бор Мингбулоқ тумани марказий шифохонасида эса 320 нафар бемор даволанаётгани кузатилган. Бундай ҳолатларни бошқа худудлардаги тиббиёт бирлашмаларида ҳам учратиш мумкин.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: тиббиёт муассасаларида койкаларни аниқлаш ва ажратиш бўйича ягона ёндашув, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжудми?



Ўтган ҳафтада мамлакатимиз ташқи сиёсатида фаол ва прагматик жиҳатлар яна бир қарра намойён бўлди. Гап шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 13-14 июнь кунлари Бишкек шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда 14-15 июнь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммитларида иштирок этиб, давримизнинг энг муҳим масалалари юзасидан таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Президент ташаббуслари халқаро ҳамкорликнинг янгича ёндашувини акс эттиради

Биз ва жаҳон

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб масалалар, шунингдек, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида минтақани янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Ҳар икки нуфузли тадбирда ҳам Юртбошимиз Шавкат

Мирзиёев нутқ сўзлади. Эътиборлиси, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг деярли барчаси хорижлик мамлакатлар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар мутасаддилари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Махсус саҳифамизда Бишкек ва Душанбе шаҳарларидаги мулоқотларнинг аҳамияти ҳақида мутасаддилар ҳамда экспертларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилади.

4-саҳифага қаранг.

Ўзбекистонда хорижий капитал иштирокида нечта корхона фаолият юритмоқда?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бироқ глобал климат ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми ярқоқсиз ҳолатга келганлиги сугориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келган.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салохиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Кўйидагилар:
Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йул харитаси" 2-иловага мувофиқ;

2020 — 2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

2019 — 2022 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларидан сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ тасдиқланган.

2. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва давлат-хусусий шериклини жорий этиш бўйича ишчи ғуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи ғуруҳи) 5-иловага мувофиқ тарқибда тасдиқланган.

Ишчи ғуруҳи (Ж. А. Қўнқоров, А. Ж. Вахабов, Ж. А. Ходжаев)га: халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда эксперимент тариқасида 2019 йилда Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулак туманларида Концепцияни амалга ошириш тажрибасини яратиш;

эксперимент натижалари асосида 2019 йил 1 ноябрга қадар Концепцияни амалга ошириш тажрибасини бошқа ҳудудларда жорий этиш, шу жумладан, ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклининг аниқ шартларини, қўшимча имтиёзлар, алоҳида имтиёзли кредит линияларини ҳамда фойдаланишга киритилган ер ва сувдан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин;

заруратга кўра, мазкур Фармоннинг 2 — 4-иловаларида белгиланган муддатлар ва ҳудудларни ўзгартириш ҳамда уларга қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгиланган, Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатда:

қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган сугориладиган ерлар, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерлари — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги қорхоналарига;

йиллов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги қорхоналарига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга берилди.

4. Концепцияни амалга ошириш доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда:

ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иқлиматни яхшироқ қилиш ҳуқуқи берилди;

мазкур ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб

қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарининг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рўхсат этилади;

ушбу ер майдонларига барпо этиладиган инфратузилма объектларини (далашлипон, маҳсулотлар сақланган омборхоналар, сугориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рўхсат берилди;

ердан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) тўлашдан озод қилинади;

қонунчиликда белгиланган имтиёзли давр яқунланганидан сўнг янгидан фойдаланишга киритилган ер участкасига нисбатан 10 йил давомида ушбу ер участкаси фойдаланишга киритилгунга қадар белгиланган солиқ ставкалари қўлланилади;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми қоплаб берилди;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ерларнинг сув таъминоти тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун жалб этилган кредитларнинг бир гектар ҳисобига 40 миллион сўмдан ошмайдиган қисмига тижорат банклари томонидан белгиланган фойз ставкасининг 5 фоизлик пункти қоплаб берилди;

ер майдонлари инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг қонун ҳужжатларида ваколат берилган давлат органи (мансабдор шахс)нинг қарорига асосан ажратиб берилди.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазатга олинб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан, санаот ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ажратиладиган ерлар бундан мустасно;

қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиладиган сугориладиган ерлар учун компенсация тўлови, олиб қўйиладиган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффициентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг 10 баробари, лалми ерлар ва сугорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдорига ҳисобланади.

Бунда сугориладиган ерлар учун компенсация тўловининг 90 фоизи, лалми ерлар ва сугорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун компенсация тўловининг 95 фоизи Республика бюджетига ҳамда мос равишда 10 ва 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ушбу меъёр ўзбошимчилик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қўлланилади ҳамда ҳисобланган маблағларнинг 95 фоизи Республика бюджетига ва 5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросанаот мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг худудий инспекцияларининг ривожлантириш жамғармасига ундирилади;

сугориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда иссиқхона хўжалиқларини ташкил этиш учун ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида амалга оширилади;

янги фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш жойларида сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан мажбурий тарзда жиҳозлаш шарт билан ташкил этилади;

ер майдонларини фойдаланишга киритиш сувни тежовчи технологиялардан (томчилатиб, ёмғирлатиб, тупроқ остидан томчилаб сугориш ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: а) мазкур Фармоннинг 3-иловасида белгиланган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун талаб этилаётган маблағлар, 2019 — 2029 йиллардаги Инвестиция дастури доирасида Давлат бюджетидан мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизи миқдорига қўшимча равишда йўналтирсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ҳисоб-китоблари асосида "Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш" дастурида кўзда тутилган қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришга яроқли бўлган ер ости сувлари захирасини аниқлаш ишларини молиялаштириш учун Давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратсин;

в) Сув хўжалиги вазирига ва Қишлоқ хўжалиги вазирига билан биргаликда икки ой муддатда: қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартибини;

ер майдонлари эгаларининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни рағбатлантирувчи механизмларни назарда тутган ҳолда табақалаштирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш бўйича тақдирларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда илгор халқаро тажрибаларини инobatга олган ҳолда, ердан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирига: а) Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини иқлиматчи ижарага беришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) сугориладиган ва лалми ерлар, тоғ ва тоғолди ҳамда чўл-йўл ҳудудларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини;

замонавий усуллар асосида мамлакат озиқ-овқат таъминоти барқарорлигига эришиш учун янги серхосли қишлоқ хўжалиги экинлари, уларнинг бирламчи уруғчилигини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар ташкил этилишини ва ҳаётга татбиқ этилишини таъминласин;

в) Фарманда кўрсатилган вазифаро ижросини тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вазирик тарқибда қишлоқ 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2020 йил 1 январдан бошлаб: Қишлоқ хўжалиги вазирига, Сув хўжалиги вазирига, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда ҳар йили 1 ноябрга қадар мазкур Фармоннинг 3-иловасида тасдиқланган майдонларнинг кейинги йилда қайта тикланадиган ва фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари манзилли рўйхатини шакллантириб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш;

пахта ва галла етиштириш рентабеллиги паст бўлган майдонни умумий майдоннинг 50 фоиздан ортиқ бўлган туманларнинг барча экин майдонларини ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш шарти

билан пахта ва галлани тўлиқ қайта ишлашни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга бериш юзасидан тақлифлар киритсин;

ушбу туманларда ташкил этиладиган пахта ва галлачилик йўналишидаги инвесторларга мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ҳукумат буйсунида қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни муҳофазат қилиш юзасидан давлат назоратини амалга оширувчи тегишли тузилма ташкил этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига: Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йул харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирилик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини хар чорада Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А. Ж. Вахабов зиммасига — Фармоннинг 3 ва 4-иловаларидаги прогноз кўрсаткичларини, Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йул харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини мониторинг қилиш ва зарурий чораларни кўриб бориш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж. А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига — Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йул харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда юзга келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш. Р. Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига — Концепция ва уни амалга ошириш бўйича "Йул харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда юзга келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш. Р. Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига — Фармоннинг 4-иловасидаги прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, фойдаланишга киритилган майдонларда сув тежовчи технологияларни қўллаш, ирригация тармоқларида сув йўқотилишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қўшимча сув омборларини қуриш;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазири С. Ҳ. Умураев зиммасига — Фармоннинг 3 ва 4-иловаларидаги вазифаро амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари маблағларини жалб қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирига Адлия вазирига, бошқа манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 июнь

ЛОҚАЙДА БЎЛИБ ЭМАС, ЗАМОНГА МОС ТАФАККУР ҚИЛИБ ИШЛАШ КЕРАК

Илм-фансиз жамият ривожланишини тасаввур қилиш қийин. Унинг тараққиётида эса фундаментал тадқиқотлар муҳим ўрин тутлади. Зеро, айнан улар ёрдамида замонавий билимлар ўзлаштирилади, назариялар шакллантирилиб, келгуси илмий-амалий тадқиқотлар, инновацион голялар учун мустаҳкам асос яратилади.

Бугунги кунда Президентининг Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ушбу йўналишни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш бўйича катта қадамлар ташланди. Буни таълим ва илм-фан соҳасида узокни кўзлаб амалга оширилаётган тизимли ислохотлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Аммо бу ишлар осонликча кечаётгани йўқ. Айрим олий таълим даргоҳлари ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида йиллар мобайнида тўпланиб қолган камчилик ва муаммолар соҳа ривожига ғов бўлмоқда. Энг катта масала шундаки, мазкур жараёнларга масъул баъзи мутасаддиларда ташаббускорлик, фидойилик ҳамда масъулия етишмаяпти.

Долзарб мавзу

Маълумки, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари фаолияти, улар эришаётган ютуқлар билан бирга, мавжуд муаммолар ҳам ўрганилиб, газетамиз орқали кенг ёритиб борилаётган.

Навбатдаги маскан — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти бўлди.

Мазкур муассасада 190 нафардан ортиқ ходимлар фаолият юритмоқда. Бевоқиф илм билан шуғулланаётган 60 нафардан зиёд мутахассисларнинг 12 нафари фан доктори, 22 нафари эса фан номзоди илмий даражасига эга.

Хўш, уларнинг фаолияти учун яратилган шароит қандай?

Маълумотларга қараганда, институтнинг асосий бинолари 1959 йилда қурилган бўлиб, 1992 йилдан кейин умуман таъмирланмаган. Улардаги ишчи

тизими бутунлай эскирган. Электр узаткичлар энергия талаб қилувчи ускуналар нормал ишлашини таъминлай олмади.

Институт тасарруфига учта тажриба базаси мавжуд. Афсуски, тадқиқотлар олиб бориш учун ажратилган гектар-гектар ер майдонидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Иссиқхоналар ташландик ҳолатда. Дала тажрибалари ўтказиладиган асосий майдоннинг йўл томони очик, махсус панжара ёки шунга ўхшаш мосламалар билан ўралмаган. Охириги йигирма йилда ушбу муассаса учун атиги битта кultiвация қилувчи трактор сотиб олинган. Қолган ёрдамчи техникалар ҳам яроқсиз...

Аёнки, тажриба базасидан ўсимликларнинг янги навларини яратиш ва кўпайтиришда фойдаланилади. Лекин мутахассислар қўлида бирорта ҳам тех-

ника бўлмаса, ишда натижа бўлармида? Албатта, йўқ.

Лаборатория хоналарини кўздан кечиришнинг, уларни бор бўлиб бор, йўқ бўлиб йўқ, деймаслик. Гап шундаки, улардаги аҳоли янама ачинарди. Масалан, илмий тадқиқотлар олиб бориладиган Пахта толаси биологияси, Микроорганизмлар биологияси, Умуман, деярли барча лаборатория хоналари жуда абгор ҳолатда, ускуналар алмисоқдан қолган...

Энди мулоҳаза қилиб кўринг, ўтган асрнинг 70—80 йилларида ишлаб чиқарилган, маънан эскирган бундай асбоб-ускуналар бугунги шиддатли давр учун нима ҳам қилиб бера олади? Ҳеч нарса. Ахир доно халқимиз бежиз: "Эскини эплагунча, эсинг кетади", демаган-ку. Бундай "шароит"да натижалар ҳам шунга яраша бўлиши табиий-да.



Айни сабаб бўлса керак, қарангки, Донли-дуккакли ўсимликларнинг хусусий ва амалий генетикаси лабораторияси ходимлари охириги икки йилда, бор-йўғи, иккита янги нав яратган.

Ўрни келганда айтиш лозим, Президентимиз илм-фан аҳли билан бир неча бор учрашувлар ўтказиб, соҳа ходимларига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни моддий рағбатлантириш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берганиди. Таассуфки, институтда бу борадаги амалий ишларга ҳали-хануз қўл урилмаган.

— Лаборатория хоналари учун керакли жиҳозларни сўраб мурожаат қилганимизга анча бўлди, — дейди Микроорганизмлар биологияси амалий лабораторияси мудири Бахтиёр Расулов. — Аммо ўзгариш йўқ. Ҳозир Хитойда шу соҳа бўйича ишлаганман. Уларда соҳа жуда ривожланиб кетган. Ходимлар учун шундай шароитлар яратиб берилгани,

қўриб ақлингиз шошади. Табиийки, натижалари шунга яраша. Бизда-чи, аксинча. Лаборатория асбоб-ускуналарининг талабга жавоб бермаганилиги учун жиддий илмий тадқиқот ишлари юритилмаяпти. Бу билан дунё илм-фаннида рақобат қилиб бўлмайди.

Институт масъуллари буни яхши билишса-да, нега муаммоларни ечишнинг амалий чораларини қиришмаяпти? Малакага эга, ишлашга иштиёқи бор ёш мутахассисларни жараёнларга жалб этишда аслида улар ташаббус кўрсатиши лозим эмасми? Қолаверса, йирик тадқиқотларни олиб бораётган турдош илмий марказлар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш, тижоратлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратиш орқали нафақат иқтисодий даромад топиш, балки институт мавқени ошириш мумкинлигини наҳотки яхши англашмаяпти?

Энди эса институт кутубхонаси фаолиятига назар ташлаймиз. Бу ерда сақланаётган 4 мингдан ортиқ илмий китобларнинг аксарияти бундан 30—40 йил олдин чоп этилган. Ахборот технологиялари, замонавий компьютерлар ҳақида эса гапириб ўтиришимиз ўзи ортиқча.

Эътиборимизни кутубхонадаги "сўнгги" русумдаги, аникроги, маънан эскириб бўлган компьютер жалб қилди. Шу ҳақда кутубхоначи Икбол Йўлдошева

билан икки оғиз суҳбатлашдик. — Компьютер ишлайдими? — дея уни саволга тутдиқ.

— Ҳа, ишлайди... — Ўқиб, ишлатиб кўрсатинг-чи? — Кутиб турсангиз, ярим соатларда ёниб қолади.

Вожаб! Бу қайси замоннинг ажаб-товур техникаси экани, уни ёқиб учун нақд ярим соат талаб этилса?! Агар компьютер ёниши учун 30 дақиқа вақт кетса, қолган ишни бажаришга сарфланадиган вақтни ўзингиз ҳисоблаб олаверинг...

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Хонадаги китоб жафонлари ҳамда пол ва эшикромлар аллақачон умрини ўтаб бўлган. Боз устига, бу зиё мақани ҳафтасига 4 кун, эрталаб соат 8:30 дан кундузи 12:00 гача фаолият кўрсатаркан.

Қисқаси, айтаман десангиз, муаммоларнинг кети узилмайди. Бунинг сабабларини институт директори Абдужалил Нариманов шундай изоҳлади: " — Ҳаммаси соҳага узок йиллар давомида эътибор берилмагани билан боғлиқ. Маблағ ажратилмади. Шўркки, сўнгги икки йилда тизимни ривожлантиришга бўлган муносабат ўзгарди. Институтимиз бинолари 2021 йилги капитал таъмирлаш дастурига киритилган. Бунга 5 миллиард 300 миллион сўм маблаг ажратилмоқда. Бу шу кунга қадар тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Соҳага бўлган муносабат ўзгариётгани аниқ. Лекин мутасаддилар "Олма пиш, озимга туш" қабида иш юритмасдан, замонга мос тафаккур қилиб, ҳар бир имкониятдан самарали фойдаланиш йўлини қидириши керак эмасми?!

Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо давлатлар парламентлари билан тажриба алмашиш имконияти кенгайди

13-14 июнь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар тузилма таркибидеги мамлакатларнинг ҳам бирдек манфаатларини кўзда тутгани билан аҳамиятли бўлди ва яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Таъкидлаш лозим, парламентлараро алоқалар давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми сифатида халқаро муносабатларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Президентимиз томонидан ШХТ Саммитида парламентлараро мулоқотнинг йўлга қўйилиши, аввало, ташкилот имкониятларини кенгайтириши, унинг фаолиятига парламентарийлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш имконини бериши айтиб ўтилди. Биламизки, қатор минтақавий ташкилотлар ўзида парламентлараро мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида парламент тузилмаларини ташкил этган. Жумладан, ЕХТнинг Парламент Ассамблеяси, МДХ давлатлари Парламентлараро Ассамблеясини мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда парламент аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик яхши самара бериб келмоқда.

Қайд этиш жоиз, ҳозир мамлакатимиз парламенти ҳам ушбу ташкилотлар фаолиятида иштирок этапти. ШХТда эса бу каби тизимли парламентлараро мулоқот йўлга қўйилмаган эди. Сабаби бунга амалий эҳтиж бўлмаган. Шунга қарамай, тузилма доирасида парламентлараро ҳамкорликни ташкил этиш юзасидан ҳаракатлар бўлган, ammo аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмаган эди.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар миллий парламентлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиб, мунтазам равишда мулоқотлар олиб бормоқда. Жумладан, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Хитой, Хиндистон каби давлатлар миллий парламентлари билан дўстлик гуруҳлари ташкил этилган.

Ташкилот доирасидаги кўп томонлама парламентлараро мулоқот эса имкониятлар кўламини янада кенгайтиради. Боз устига, бугун ШХТ иқтисодий, сиёсий, географик жиҳатдан ҳам кенгайиб, нуфузли ташкилотга айланган. Бу нафақат ташкилот, балки унга аъзо мамлакатлар парламентлари учун ҳам муҳим майдон ҳисобланади. Мазкур механизм орқали парламентлар ўртасида кўплаб йўналишлар, жумладан, қонун ижодкорлиги жараёнида ўзаро тажриба алмашиш имконияти яратилади.

Яна бир муҳим жиҳат, парламентар ҳамкорлик ташкилот фаолияти самардорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу бир тарафдан, қабул қилинган шартномалар ратификация жараёнининг тезлашувига сабаб бўлса, иккинчи томондан, парламентлараро ҳамкорлик ШХТнинг сиёсий ва ижтимоий асосларини мустаҳкамлайди. Ташкилотнинг салоҳиятидан конструктив мулоқот учун ноёб платформа сифатида фойдаланиш имкони кенгайди. Энг асосийси, халқ вакилларининг мазкур мулоқотларда иштирок этиши ташкилот нуфузи ошишига хизмат қилади.

Феруза ЭШМАТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари.

«КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА»

Бунга эришиш биргалиқдаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенатида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда идоралараро комиссия, парламент аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, вазирлик ва идоралар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари иштирок этиб, бу борада қилиниши лозим бўлган тадбирлар хусусида ўз тақлиф ҳамда мулоҳазаларини билдирди.

Мутахассислар томонидан Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони коррупцияга қарши курашиш тизими самардорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилгани таъкидланиб, унинг самарали ижросини таъминлаш юзасидан зарур чоралар белгилаб олинди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Акмал БУРҲОНОВ,
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси, комиссия аъзоси:



— Коррупцияга қарши кураш каби аҳолини ташвишга солаётган, мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, фуқароларимизнинг кайфияти ва давлатимиз халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётган ушбу масала юзасидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланади. Айниқса, бунда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда бизнес вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни қучайтириш лозим.

Лекин бугунги кунда мазкур соҳадаги секторлараро ҳамкорликни талаб даражасида, дея айта олмаيمиз. Фикримизча, коррупцияга қарши кураш давлат томонидан фақатгина норматив ҳужжатларни қабул қилиш ёки тарғибот ишлари билан эмас, балки бошқа ташкилотлар билан биргалиқда замонавий ва таъсирчан чораларни кенг қўллаш йўли орқали ҳам амалга оширилиши зарур.

Жумладан, тегишли давлат органлари томонидан нодавлат секторнинг мазкур соҳадаги ҳамкорлигига кенгроқ йўл очиш, шу мақсадда аниқ ҳамкорлик механизмларини жорий этиш, ушбу масалада жамоат ташкилотлари орқали аниқ кўрсаткичларга асосланган турли ижтимоий сўров ва тадқиқотларни амалга ошириб бориш, коррупционен вазиятлар ва тенденцияларни аниқлаш, улар ҳақида огоҳлантирган фуқаролик жамияти институтларини рабатлантиришнинг механизмларини амалиётда кенгроқ йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Эркабай ТАДЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари, Капитал курилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари:

— Фармонда 2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва

етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда капитал курилиш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишни ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Ўз навбатида, мен раҳбарлик қилаётган ишчи гуруҳи олдида бир қатор муҳим вазифалар юқланди. Хусусан, етакчи миллий ва хорижий экспертларни, жамоатчилик вакиллари жалб этиш ҳолда соҳадаги тизимли муаммоларни ўрганиш, коррупция хавфларини келтириб чиқараётган омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш. Шунингдек, соҳа фаолияти самардорлигининг энг муҳим кўрсаткичи сифатида Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингини “Курилиш учун рухсатномалар олиш” кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон жаҳондаги энг илғор 50 мамлакат қаторига киришига эришиш ҳам (2019 йилда 134-ўринда) зиммамиздаги долзарб вазифалардандир.

Албатта, ишчи гуруҳи аъзолари билан бирга мазкур тадбирларни тўла-тўқис амалга ошириб, соҳани ҳақиқий маънода “Коррупциясиз соҳа”га айлантиришга ҳаракат қиламиз.

Авазбек ХОДЖИМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг директорининг ўринбосари, комиссия аъзоси:

— Президентимизнинг мазкур Фармони ижросини таъминлаш мақсадида агентлик директорининг тегишли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқ билан агентликнинг 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси, тегишли ишчи гуруҳи тасдиқланди.

Ҳозирги кунда давлат органлари, шу жум-

ладан, маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлардан улар фаолиятининг очкичилигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари ҳолати устидан мониторинг ўтказилапти.

Бундан ташқари, республика оммавий ахборот воситаларига ушбу Фармоннинг ижроси учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш борасида тегишли тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, агентлик томонидан пресс-холл ташкил этилган бўлиб, унда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, кўжалик субъектларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармон ва қарорлари, топшириқлари ижроси, қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар бўйича депутатлар, вазирлар, давлат кўмиталари раҳбарларининг оммавий ахборот воситаларига маълумот бериш тизими жорий қилинган.

Есемурат КАНЬЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори, комиссия аъзоси:



— Фармон билан эксперимент тариқасида олий таълимда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгилаб берилди.

Тизимда лойиҳа ОТМларига қабул қилишдан тортиб, олий маълумот тўғрисидаги дипломни бериш вақтигача бўлган жараёни ҳамда олий таълимдан кейинги таълим босқичларини ўз ичига олади. Демак, аввало, олий таълим муассасаларида устувор вазифа — мавжуд Давлат таълим стандартлари (ўқув-юктамалар), ўқув-режалар, дастурларни танқидий ислоҳ этиш ҳамда замонавий стандартлар асосида умумий фанлар сонини оптималлаштириш лозим.

Бу борада Тошкент давлат юридик университетида бир қатор ислохотлар амалга оширилиб, умумий фанлар сонини 58 дан 29 гагача оптималлаштирилди. Бир-бирини тақдорловчи ва амалиёт билан боғланмаган фанлар ўқув режаларидан чиқарилди.

Яна бир тақлифим — талаба билиминини баҳолаш жараёнида талаба ҳамда профессор-ўқитувчи ўртасида визуал алоқани имкон қадар чеклаш лозим. Яъни талаба билиминини баҳолаш ушбу фандан дарс машғулотларини ўтадиган профессор-ўқитувчига боғлиқлигини кескин камайитириш керак.

Бугунги кунда ТДЮУда рейтинг дафтарчасини юритишдан воз кечилиб, талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш жараёни Талабалар рейтингини ҳисобга олиш электрон тизими (SRS) орқали амалга оширилиши йўлга қўйилди. Жараён тўлиқ электронлаштирилди. Бу ҳам профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасида бевосита мулоқотни чеклашга хизмат қилди.

Келгусида бу каби ташаббусларни лойиҳа доирасида янада оммалаштириш назарда тутилган.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, комиссия аъзоси:

— Ёшларда коррупцияга қарши курашиш, фаол дунёқараш ва мустақкам фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган, 2019 йил июль — декабрь ойларида ҳамкор ташкилотлар билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш режалаштирилган. Бугунги кунда мазкур дастур лойиҳаси мутахассислар томонидан тайёрланмоқда.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда “9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунини” муносабати билан декабрь ойини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида “Ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш” ойлғи деб эълон қилиш, мазкур ойда амалга оширилиши лозим бўлган профилактика тадбирлари бўйича “Коррупция — тараққиёт душмани” мавзусида махсус дастур ишлаб чиқилади.

Ёшлар ўртасида коррупцион муҳитнинг олдини олиш, жазони ижро этиш муассасаларидаги жазо муддатини ўтаётган ёшларга турли касб-хунар ўргатиш орқали улардаги коррупцияга бўлган мойиллиқни ижобий томонга ўзгартириш, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириб бориш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшлар учун коррупциянинг салбий иллат эканлигини очиқ беришга қаратилган фан, касб-хунар ва спорт тўғрақларини ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Бугунги кунда мазкур тўғрақлар фаолиятини эксперимент сифатида Республикадаги жазони ижро этиш муассасаларида 26 турдаги фан, касб-хунар, спорт ва чет тиллари бўйича йўлга қўйишни бошлаш ҳамда шу орқали йил давомида жазо муддатини ўтаётган 2 000 нафарга яқин ёшларни қамраб олиш кўзда тутилган.

Мунисхон КАРИМОВА
ёзиб олди.

Ўзбекистон — Германия:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА КУЧАЯДИ

Парламент қуйи палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоиловнинг Германия Федератив Республикаси Бундестагининг Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш масалалари қўмитаси раиси Петер Рамзауэр бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда икки давлат парламентлараро алоқалари сезиларли даражада фаоллашди. Бир қатор муҳим парламент ташрифлари амалга оширилди.

Қолаверса, Олий Мажлисида Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича “Ўзбекистон —

Германия” гуруҳи, Бундестагга эса “Германия Федератив Республикаси — Марказий Осиё” гуруҳи ташкил этилган. Ушбу гуруҳлар фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш, парламентлараро ўзаро

тажриба алмашиш, қонун ижодкорлиги амалиётини ҳам яққол намойён бўлмоқда. Учрашув чоғида меҳмонларга Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар юзасидан маълумот берилди. Шунингдек, келгусида икки мамлакат парламентлари ҳамкорлиги бўйича гуруҳлар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ишини янги босқичга олиб чиқиш бўйича фикр алмашилди.

Ш. РАҲИМОВ.

ЁШ АРХИВЧИЛАР ФОРУМИ

Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида 15 июнь — юртимизда “Архив иши тўғрисида”ги Қонун Президент томонидан имзоланганининг 9 йиллиги муносабати билан республика ёш архивчилар форуми ўтказилди.

“Узархив” агентлиги ва Қашқадарё вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юздан зиёд ёшлар, архив иши соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар қатнашди.

Форумдан кўзланган асосий мақсад Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг кенг тарғиб қилиш, ёшларимизда китоб ўқиш ва тарихни ўрганишга бўлган интилишни янада кучайтириш ва шу орқали уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга қўмақлаштиришдан иборат.

Мазкур анжуманинг айнан Шахрисабз шаҳрида ташкил этилгани беҳиз эмас. Зеро, архив иши бевосита тарих билан боғлиқ. Мозийни эслатиб турувчи кўҳна ва бетакорин Шахрисабз шаҳри обидалари эса асрлар оша яшаб келаётган аънава ва қадриятларимиздан сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари “Ҳамма ўз тарихини улуғлайди. Лекин бизнинг мамлакатимиздагидек бой тарих, боболаримиздек буюк алломалар ҳеч қерда йўқ. Бу меросни чуқур ўрганишимиз, халқимизга, дунёга етказиш билишимиз керак”, деб таъкидлайди. Бу ўтмишга доир ҳар бир ҳужжатни асраб-авайлашни ўз бурчи деб билган архив иши билан шуғулланувчи мутахассисларга ҳам катта масъулият юқлайди.

Форум доирасида иштирокчилар учун дастлаб Оқсарой мажмуасига саёҳат уюштирилди. Шундан сўнг меҳмонлар мақом



музейи экспонатлари билан танишиб, у ерда ўтказилган маданий тадбирда қатнашди. Шунингдек, иштирокчиларда Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи экспонатлари ҳам катта қизиқиш уйғотди. Маданият саройида ташкил этилган матбуот анжуманида иштирокчилар ва ОАВ вакиллари ёш архивчилар форумидан кўзланган асосий мақсад ҳамда унинг дастури билан яқиндан таништирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги

“Узархив” агентлиги тизимида 30 ёшгача бўлган 468 нафар йигит-қиз фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг 114 нафари олий маълумотли мутахассисдир. Вилоятимизда эса 34 нафар йигит-қиз архив соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқ-



да. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Узархив” агентлиги тавсиясига кўра, 5 нафар ёш мутахассис имтиёзли кредит асосида уй-жой билан тазминланди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Узархив” агентлиги бош директори У. Юсупов юртимиздаги тинчлик-осойишталик, барча жабҳада эришилаётган ютуқлар, жумладан, давлат архиви тизимидаги ислохотлар,

Шифохоналардаги муаммолар қачон барҳам топади?

Таҳлилларга кўра, тиббиёт соҳасининг айрим йўналишлари бўйича койкаларни аниқлаш соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган фикр-мулоҳазалар ҳамда тақлифларни инобатга олган ҳолда, ҳукуматга тегишли сўров киритиш тўғрисида кўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

Р. ОТАМУРДОВ.

Беш ташаббус — амалда

Ўқиш бепул, иш жойи эса кафолатланган

Яқинда фаолият бошлаган Бўжа тумани хотин-қизлар тадбиркорлик марказида аёлларга касб-хунар ўргатиш, уларни қайта тайёрлаш учун барча шароит яратилган.

Бу ерда бир йўла 60 нафар аёл янги касб сирларини ўрганишни бошлади.

— Ишсиз опа-сингилларимизга 3 та йўналиш бўйича касб-хунар ўргатып-миз, — дейди “Хунарман” уюшмаси туман бўлими раҳбари Уғилройа Эркабоева.

— Ҳар бир гуруҳда 20 нафар аёл бўлиб, улар тикиш, каштачилик, шунингдек, миллий тақинчоқлар ясашни 2 ой давомида

бепул ўрганадилар. Ўқитиш билан боғлиқ харажатларни уюшмамиз ўз зиммасига олган.

Этиборлиси, қайта тайёрланган ёшларнинг ҳар бири мутахассиснинг доимий иш жойи кафолатланган.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Акрам ИНОМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ахборот хизмати.



Президент ташаббуслари халқаро ҳамкорликнинг янги асосларини акс эттиради



Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси:

— Ҳақиқатан ҳам, июнь ойининг иккинчи декадаси халқаро муносабатларда Ўзбекистон ташаббуслари қўллаб-қувватланиши билан ёдда қоладиган бўлди. Президентимиз ШХТ ҳамда ОХИЧК саммитларидаги иштироки ва унинг доирасидаги икки томонлама учрашувларда Ўзбекистон манфаатларини глобал микроскопда илгари сурди. Шанхай ҳамкорлик ташкилати ҳозирги пайтда ўз фаолиятининг барча йўналишида мутаносиб ва барқарор ривожланиши керак. Шу маънода, давлатимиз раҳбари иқтисодий йўналишда ШХТнинг иқтисодий форумини ўтказиш ташаббусини айтиб, унинг дастлабкисини Самарқандда ўтказиш таклифини билдирди. Бугунги кунда Орол фожиаси дунё микроскопда долзарб муаммага айланган. Бу ерда инновациялар марказини қуриш гоёси илгари сурилди. Бугунги кунда энг катта масалалардан бири ин-

формацион соҳа ҳисобланади. Мана шу соҳадаги вазирликлар муассасалар раҳбарларининг доимий учрашуви гоёси таклиф қилинган ҳам жуда муҳимдир. Шавкат Мирзиёев ШХТ фаолиятида маданий-гуманитар соҳада яна бир ташаббус билан чиқдики, у ҳам бўлса, ҳар йили раислик қиладиган давлатнинг битта шахрини ШХТнинг сайёҳлик ва маданий пойтахти, деб эълон қилиш билан боғлиқ. Бу халқлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, туризм салохиятини оширишга туртки бўлади. ШХТ фаолиятида парламентларнинг роли ниҳоятда катта. Улар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратишади. Шунинг учун ШХТнинг парламент ўлчови ҳам ривожланиши керак, деган гоё илгари сурилган диққатга молик. Президентимиз ўтган йилги саммитда ШХТда халқ диплома-

тиясини йўналишини йўлга қўйиш зарурлигини билдирганди. Шунга мувофиқ, халқ дипломатияси бўйича ШХТнинг маркази фаолияти йўлга қўйилди. Давлатимиз раҳбари доимо аффон муаммосини фақатгина тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш зарурлигини айтиди. Ушбу жараёнда “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш алоҳида ўрин тутди. Эътиборлиси, мана шу сайёҳаракатларнинг барчаси “Шанхай руҳи” асосида фаолият қуратиши кераклиги билдирилди. Савол туғилади: “Шанхай руҳи”нинг ўзи нима? Аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, маданий хилмаҳилликни эътироф этиши ва умумий ривожланиш асоси — мана шу “Шанхай руҳи”ни ташкил қилади. Ун саккиз йил мобайнида ШХТ 1400 дан ортиқ ҳужжатлар қабул



қилди. Шуларнинг айримлари Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилди. Натижада Шанхай ҳамкорлик ташкилати замонавий халқаро муносабатларда ўзининг ўрнига эга бўлган муҳим тузилмага айланди. Душанбедаги саммитда Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон раҳбарининг олиб бораётган фаол ташқи сиёсатининг асоси республикада ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликдир. Мана шу икки муҳим мезон асосида ислохотлар

натижа берапти. Булар иқтисодий сармояларни олиб келиш, янги технологияларни жалб қилиш, қўшнилари билан тинч-тову яшаш ёки халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар кўмагида яққол акс этапти. Президентимиз ўз нутқида Осиё ва дунёдаги геосиёсий аҳволга баҳо берди. Ҳозирги кунда Осиёда тўрт миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кейинги ўттиз йил давомида китъа аҳолиси сони икки баробар кўпайиши кутилмоқда. Бундай юқори миқдордаги аҳолини боқиб катта демографик муаммо саналади. Қолаверса, Осиёда иқтисодий ўсишни жудаям юқори деб бўлмайди. Турмуш ва таълим даражасини яхшилаш зарур. Шу омиллар асосида Осиёда ёшларнинг радикаллашув жараёнлари ниҳоятда тез кечаяпти. Президентимиз БМТ даражасида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш гоёсини билдиргани замирида ҳам бутун дунё ёшларининг манфаатлари муҳасаса. Ҳозир мазкур ҳужжат устида иш кетаяпти.

ЦЗЯН Янь,
ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси:
«ШХТ ва ОХИЧКга аъзо давлатлар тенг ҳуқуқли алоқаларни доимо мустақамлаб боради»

Июнь ойи Марказий Осиё учун катта воқеа-ҳодисаларга бой бўлмоқда. Бишкекда Шанхай ҳамкорлик ташкилати ҳамда Душанбеда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш доирасида олий даражадаги учрашувлар ўтказилиши муносабати билан мазкур ташкилотларга аъзо давлатлар раҳбарлари Марказий Осиёда келгусидаги ҳаракатлар режасини муҳокама қилиш учун йиғилишиди.



ШХТ ва ОХИЧКда мақсадлар ва ривожланиш концепциялари ўхшашдир. ШХТ ташкил топган кундан бошлаб ўтган 18 йил ичида “Шанхай руҳи” тамойиллари — ўзаро ишонч ва фойда, тенглик, маслаҳатлашув, маданиятлар хилмаҳиллигига ҳурмат ҳамда ҳамкорликда ривожланиш учун интилишни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бирдамликни мустақамламоқда, турли соҳаларда ўзаро фойдали алоқаларни чуқурлаштирипти.

ОХИЧК хавфсизлик бўйича кенг қамровга эга очик ҳамда инклюзив кўп томонлама механизм бўлиб, фаолияти ишонч ва ҳамкорликни мустақамлаш, китъада барқарорликни таъминлашга йўналтирилган. У Осиёда ўзаро ҳамкорликдаги, комплекс, кооперацион ва барқарор хавфсизлик концепциясини ҳаётга татбиқ этипти, томонлар ўртасидаги ўзаро тушуниш, ишонч ва ҳамкорликни мустақамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Глобал ўзгаришлар шароитида ШХТ ва ОХИЧК ривожланиш манфаатлари йўлида мулоқотни илгари суриш, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни таъминлаш бўйича ташаббуслар билан чиқар экан, минтақавий таҳдидларни ҳал қилиш ва замонавийнинг мураккаб вазифаларини амалга оширишга фаол ҳисса қўшиди, халқаро жамоатчиликка ижобий куч-ғайрат бахш этди.

Давр тенг ҳуқуқли мулоқот ва ўзаро фойдали ҳамкорликни тақозо этапти. Бироқ глобаллашув ва кўп қутблиқнинг барқарор тенденцияларига қарамай, яна протекционизм, “ноль” қиймат билан ўйнаш ҳолатлари бош кўтараяпти. Бу эса халқаро жамоатчилик учун янги жиддий хатарларни юзага келтираётди. Бир ёқлама ёндашув замон таъсирига қарши борапти. ШХТ, ОХИЧК ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда механизмлар эса мулоқот ва ҳамкорлик йўли билан ўзаро фойда ҳамда икки томонлама ютиш принципини қўллаб-қувватлаётди, аксарият мамлакатлар эса очиклик ва тараққиёт йўлига қиқиб, минтақавий ва халқаро алоқаларни фаоллаштирмоқда.

ШХТ ҳамда ОХИЧК аъзолари саналган давлатлар — Хитой ва Ўзбекистон нафақат яқин алоқалар ҳамда халқаро ишлар бўйича позицияларни мувофиқлаштиришни қўллаб-қувватламоқда, балки очиклик, инклюзивлик ва ўзаро фойдали ҳамкорликни ёқлаб чиқаяпти. Хитой 40 йилдан зиёд ислохотлар ва очиклик даврида катта муваффақиятларга эришти, мамлакат қиёфаси тубдан ўзгарди. Узининг таъки оламага очилишини кенгайтириш мақсадида Хитой “Бир макон, бир йўл” ва бутун жаҳон фаровонлиги йўлида инсониятнинг ягона тақдирига хизмат қиладиган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Мамлакатда ҳар томонлама ислохотларни амалиётга жорий этиб, яхши қўшнчилик ва ташқи дунёга очиклик сиёсатини амалга оширган ҳолда Ўзбекистон ҳам ШХТ фаолияти ва бошқа халқаро ишларда янада фаол иштирок этипти. Пировавдаги мамлакат ўз тараққиёти учун янги имкониятларга эга бўлмоқда ва минтақавий ҳамкорликка кучли туртки берапти.

Барчанинг тақдирини бир-бири билан чамбарчас боғланган глобаллашув даврида янада кўпроқ мамлакатлар фақат ўз манфаатлари ҳақида қайғурмасдан, балки сайёҳаракатларни бирлаштириш ва биргаликда машаққатларни енгиб ўтиш ўта муҳимлигини англаб етмоқда. Замонавий тенденцияларига уйғунлашув — бу барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар учун барқарор ҳамда узоқ мuddатли ривожланиш гаровидир, турли цивилизациялар ва муаммоларга эга мамлакатларни ҳамкорликда ривожланиш йўлида жипслаштирувчи энг умумий маҳраждир.

Халқаро вазият қай тарзда ўзгармасин, ШХТ ва ОХИЧКга аъзо давлатлар доимо тенг ҳуқуқли мулоқот ва ҳамкорликни мустақамлаб боради, минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзаро ривожланишга кўмак беришга ижобий ҳисса қўшади.

Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:



— Бишкекка боришдан олдин олтита учрашув бўйича келишиб олинганди. Лекин у ерда тадбирлар давомида Ўзбекистон ҳам мулоқот қилишни хоҳловчи давлатлар кўпайиб кетди. Натижада учрашувлар сони ўндан ошди. БМТ Бош котибининг ўринбосари Розмари ДиКарло хоним билан ҳам жуда муҳим учрашув бўлди. У давлатимиз раҳбарига БМТ Бош котибининг саломлари ва ҳурматини етказди. Шу билан бирга, Бош котибининг бундан кейин ҳам Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича фикрлари айтилди. Бундан ташқари, Хитой, Россия, Ҳиндистон билан икки томонлама алоқаларнинг жуда муҳим йўналишларини кўриб чиқдик. Барча учрашувлар, икки томонлама музокаралар жуда самарали бўлди. Энди бевосита Президентимизнинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммитидаги иштироки ҳақида тўхталиб ўтсак. Бишкекда ҳам, Душанбеда ҳам давлатимиз раҳбари ўз нутқларида хавфсизлик масаласини, хавфсизлик муаммоларини 10 — 15 марта таъкидлаб ўтди. Бу қандай муаммолар? Терроризм, экстремизм, Афғонистондаги вазият, мана ҳозир бутун дунё хавотир олаётган Форс кўрфазидagi ҳаракатлар, Эрон атрофида бўлаётган жараёнлар. Ўзбекистон мана шу нотинч минтақаларнинг ўртасида жойлашган. Яъни бир томонда Сурия, нариги тарафда Форс кўрфазини, яна Афғонистон. Президентимиз Ўзбекистон хавфсизлигини, умуман, минтақадан тинчликни таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар қўриш зарурлиги бўйича таклифларни киритди. Нима учун? Биринчидан, ҳаммамиз кўриб турибмиз, охириги икки ярим йил ичида жуда катта ўзгаришлар бўляпти, улкан режалар амалга ошириляпти. Бу ислохотларни янада кенг татбиқ этишда бизга нима керак? Аввало, тинчлик керак, хавфсизлик керак. Ўзбекистон атрофида ўзимизга мос сиёсий хавфсизлик муҳитини

Элёр ФАНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари:



— ШХТга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун, аввало, инвестиция ва иқтисодиёт соҳасида жуда самарали имкониятларни шакллантиради. Савдо хусусида сўз юритганда, Ўзбекистон Республикаси товар айланмасининг 70 фоизидан ортиги ШХТ мамлакатларига тўғри келишини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда кейинги йилларда ШХТ мамлакатлари билан товар айирбошлаш жадал суръатларда ортмоқда. 2018 йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб 30 фоиз ўсди. Бу ҳамкорликнинг стратегик аҳамиятга эга эканини ҳам кўрсатади. ШХТ мажлиси давомида Президентимиз қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди ва улар аъзо мамлакатларнинг барчаси томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда кенг муҳокамага сабаб бўлди. Хусусан, давлатимиз раҳбари иқтисодий соҳадаги алоқаларни фаоллаштириш ташкилотга аъзо барча давлатлар иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга хизмат қилишни таъкидлади. Бу ёшларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эга. Эро, иқтисодий тараққиёт янги иш ўринлари очилиши учун қулай шароит яратади. Бу масала ШХТ мамлакатлари учун жуда долзарб. Юртбошимиз ташкилот доирасида транспорт йўлақлари ва коммуникацияларини ривожлантириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Товар айирбошлаш ҳажминини ўлаб баробар кўпайтиришга хизмат қиладиган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилишига эътибор қаратди. Шу муносабат билан Президентимиз ШХТ доирасида ўзаро боғлиқликни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, иқтисодиётни рақамлашти-

риш, ҳаётимизнинг барча соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашни муҳимлигини қайд этди. Давлатимиз раҳбари ахборот технологиялари соҳаси учун масъул идоралар раҳбарлари ўртасида ҳамкорлик механизмининг йўлга қўйишни таклиф қилди. Президентимизнинг иқтисодий форумларни ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳам ШХТ маконида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммити доирасида давлатимиз раҳбари жуда муҳим учрашувлар ўтказди. Бангладеш Президенти билан учрашувда давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилдилар. Томонлар яқин вақтда Ўзбекистон — Бангладеш ҳукуматлараро комиссияси йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, Ташқи ишлар вазирликларини ўртасидаги маслаҳатлашувлар амалиётини қайта тиклашга келиши олдидилар. Умуман, Бангладеш билан ҳамкорлик имкониятлари кенг. Мазкур мамлакат тўқимачилик тармоғида катта салоҳиятга эга. Бугунги кунда Бангладеш 20 миллиард АҚШ долларидан зиёд тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Шунинг учун, албатта, Бангладешнинг тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасидаги тажрибаси бизда қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, Душанбедаги мажлис доирасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳам савдо-

иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро савдонинг фаоллаштириш, Туркия компаниялари билан қатор муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Жумладан, Ўзбекистон энергетика секторини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар татбиқ этилиши кўриб чиқилди. Мазкур йўналишдаги ҳамкорлик доирасида икки йиллик энергетика лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида умумий қуввати 900 мегаваттга тенг электростанция қуриш бўйича “Йилдирим” компанияси билан, Тошкент вилоятида эса электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати 1000 мегаватт бўлган электростанция барпо этиш бўйича “Чингиз” компанияси билан ҳамкорликдаги лойиҳалар, шунингдек, Туркия компанияларининг мамлакатимиз туризм соҳасини ривожлантиришдаги иштирокини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларида замонавий меҳмонхоналар қуриш шулар жумласидандир.

Икки давлат раҳбарлари яқин фурсатда, яъни 4-5 июль кунлари савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича Ҳукуматлараро комиссия йиғилишини ўтказишга келишиб олдидилар. Ушбу мажлис доирасида катта бизнес форуми ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилган. Туркиянинг машҳур “Гёбзе” эркин-индустриал худуди иштирокида Ўзбекистонда унинг филиалини очиб кўзда тутилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлаб-қўйилган маълумотларни тақриб қилинмайди ва мустақил равишда қайтариб берилади.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А.Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йўл.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА яқини — 23.45 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6